

Узлуксиз таълим босқичларида тил ва адабиёт таълимини ўқув-услугий жиҳатдан такомиллаштириш йўллари

М.Шодмонова
А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ

Аннотация: Мақолада она тили ва адабиёт фанини ўқитишдаги муаммолар таҳлили ва уни бартараф этиш йўллари хусусида сўз юритилган. Шунингдек, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда фаннинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб ёндашиш таълим-тарбия тизимидаги муҳим омил эканлиги қайд этилган.

Калим сўзлар: тил, адабиёт, дастур, дарслик, давлат таълим стандартлари, давлат талаблари, фикр, образ, гоя.

Аннотация: в статье рассмотрены анализ проблемы и пути решение преподавание предмета родного языка и литературы. А также, отмечен важный фактор, в системе образования-воспитания подхода исходя из цели и обязанности предмета на формирование чувство патриотизма.

Ключевые слова: язык, литература, программа, учебник, государственные образовательные стандарты, государственные требования, мысль, образ, идея.

Abstract: in the article the analysis of problems and ways of solution the teaching of the subject mother tongue and literature. And also noted an important factor in the education system-education approach based on the goals and responsibilities of the subject on the formation of a sense of patriotism.

Key words: language, literature, program, tutorial, state educational standards, state requirements, thought, image, idea.

Таълим жараёнидаги барча фанларнинг асосий мақсади ва моҳияти ўқувчиларда муайян соҳаларга оид билимларнинг асосларини шакллантириш ҳамда шуларнинг негизида ёш авлоднинг маънавий оламини яратишдан иборат. Булар ичида она тили ва адабиёт ўқитувчилари фаолияти олд ўринларда туради. Зотан, келажак авлодни биз кутган, орзу қилган тарзда тарбиялаш айнан она тили ва адабиёт ўқитувчилари зиммасидадир. Ҳар бир инсон қандай фикрлаши, қайси соҳани танлаши ё тил ва адабиётга қизиқиши бор-йўқлигидан қатъий назар, фикрларни баён этишни она тили, ўзидаги ижобий сифатларни адабиёт таъсирида таркиб топтиради. Юртбошимиз «Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетақроп жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир¹». «Адабиётга эътибор – келажакка эътибор» деганларининг боиси ҳам шундадир.

¹ Юксак маънавият – енгилмас куч.44-б.

Адабий таълимнинг асосий вазифаси инсонларни яхшиликка чорлаш, ёмонликдан қайтариш илмидир. Айнан мана шундай таълимда гўзал ахлоқ шаклланиб, дунё юзини кўриши адабиёт дарсларида содир бўлади. Хусусан, алифбедан сабоқ олиб, сўзлар сеҳри орқали тафаккурини бойитаётган ўқувчи ўзининг она тили ва ўқиш ҳамда адабиёт дарсларида олган билимларини мактаб, оила ва жамиятда мунатазам қўллаб, такомиллаштиришга эҳтиёж сезади.

Забардаст филолог олим, профессор Н.Маҳмудов ўзининг «Тил таълими ва педагогик технологиялар» мақоласида мактаб таълимининг ғоят улуғворлигини таъкидлар экан, қарашларини дунё олимларининг қарашлари билан қиёслайди ва шундай дейди: «Аслида, ҳар бир одам эмас, бир тил вакили дунёни бошқа тил вакилидан фарқли англайди... ҳар бир тил вакили дунёни ўзича кўради, эшитади ва идрок этади, ер юзидаги тилларнинг хилма-хиллиги улардаги товушларнинг фарқлигида эмас, балки бу тил эгаларининг дунёни кўриши ва идрок этишидаги фарқлардир» (В.Гумбольдт).

Профессор Н.Маҳмудов ўз фикрларини давом эттириб, «...инсон маънавий дунёсига чироқ тутадиган гуманитар фанларга, хусусан, она тилига чинаккам соҳибликни, она юртга адоқсиз муҳаббат, мунтазам миллий ҳамият ва Ватан ҳимояси учун ҳамиша ҳозирлик ҳисини фақат ва фақат шу юртда, шу заминга уйғун усуллар билан шакллантириш мумкинлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир»², – дея ватанпарварлик туйғуларини изҳор қилади.

Ўқувчиларда ватанпарварликнинг тўлақонли шаклланишида жуъзий камчиликларнинг мавжудлиги, айрим ҳолатларда ватанпарварлик туйғуси «пул» ёки бирор бир манфаатдорлик келтирувчи манбаа бўлмаганлиги учун эътибордан четда қолиши, инсон нафс гирдобига тушиб қолиши, ёхуд нафснинг қулига айланиб, инсоний қадриятларни суиистеъмол қилиши кабиларда кўринади. Шу ўринда илм сиёсат тазйиқларидан холи бўлади.

² Н.Маҳмудов «Тил таълими ва педагогик технологиялар» Ўзбек тили доимий XI анжумани. Ўзбек тили таълимида педагогик технологияларнинг ўрни.Т.: 2011. 8-12-б.

Бинобарин, ўқувчи ёки талаба, умуман, ёшлар маънавиятини шакллантиришда умумтаълим ва ўрта махсус ва касб-хунар таълими адабий муҳитининг имкониятларини кенгайтириш, зудлик билан таълим бериш йўллари самарали усуллар билан бойитиш, бадиий-эстетик завқ беришга йўналтирилган омилкор механизмини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкид қилади.

Узлуксиз таълим босқичларида адабиёт ўқитиш методикаси билимларини «тозатириш», ўқитиш салмоғини кўтариш, ижтимоий тараққиётни модернизациялаш даражасини амалга оширишга нисбатан эҳтиёж туғилди. Миллий педагогикамизда, жумладан, ўқитишда адабий таълимни ватанпарварликка йўналтирилган усуллар асосида замонавий технологияларни сингдириш ҳамда осон йўл билан катта муваффақиятлар сари етакловчи имкониятларни ишга солиш палласи етиб келди

Турли ҳаракатлар маҳсули ўлароқ, адабий таълим концепцияси, давлат таълим стандарти яратилди. Янги давр талабларини ўзига сингдирган янги авлод дастур ва дарсликларининг яратилиши мана шу саъй ҳаракатларнинг маҳсули бўлса, ажабмас. Шунга қарамай, бу дастур ва дарсликларни ҳали тўла талабга жавоб берадиган ўқув воситалари дейишни ҳам ўйлаб кўриш керак. Чунки дастур ва дарсликлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларга минг йилликлар давомида қадрланиб келинган барча инсоний фазилатларни ва айниқса, ватанпарварлик, ўзбекларга хос бошқа кўпгина жиҳатларни шакллантиришга, уларни сақлаб қолишга ундовчи материаллар, тўғрироғи, бадиий матнларнинг ўрни ҳали кўнгилдагидек эмасга ўхшайди.

Назаримизда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда элим, юртим деб яшаш кўникмасини шакллантиришга хизмат қиладиган, чинакам намунали материаллар бу дастур ва дарсликларда ўз ифодасини тўла топган деб бўлмайди. Баркамол инсонни таркиб топтиришни назарда тутувчи энг сара асарлар четда қолгандек. Яъни материал қашшоқлиги кузатилади. Тўғри, баъзан материал гўё инсонда у ёки бу фазилатни шакллантиришга хизмат қиладигандек, яъни бу нарса ўша бадиий асарга юзаки, зоҳирий

караганда, «яланғоч ҳолда» кўриниб тургандек. Бироқ бу асарнинг ўқувчи руҳиятига таъсир этиш даражаси, уни бирор жихатдан (одатда, кўзда тутилган жихатдан) ўзгартириб юборишга тўла яроқли бўлмаганлиги туфайли, бу асарни ўқитиш, ўзлаштириш, таҳлил қилдириш кузатилган натижани бермаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Жумладан, Ойбекнинг «Ватан» шеъри ёки Муҳаммад Юсуфнинг «Ўзбекистон» шеъри, Эркин Воҳидовнинг қатор шеърлари, шулар қаторида «Она тупроқ», «Ўзбекистон» шеърлари, Сирожиддин Сайиднинг «Ватан абадий» каби асарларининг ҳамма вақт ҳам дастур, дарсликлардан тўлиқ ўрин олмаётганлиги ўксинтиради.

Ахир:

О, ота маконим,

Онажон ўлкам,

Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.

Сендай Меҳрибон йўқ.

Сенингдек кўркам,

Римни алмашмасман бедапоянгга...

Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,

Ё худбинман, ё бир содда касман мен:

Парижнинг энг гўзал ресторанларин

Битта тандирингга алишмасман мен ...

(М. Юсуф. «Ўзбекистон»).

Бу каби мисраларни ўқувчига етказмаслик, таҳлил қилишга ўргатмаслик, ўргатсак-у, ҳис қилдира олмаслик, булар – ватанпарварлик ҳақида айтилган гапларнинг «қуруқ» эканлигидан бошқа нарса эмас.

Мана шундай янгиликларга юзлашиш оқибати адабий ўқитиш тизимида салмоқли бурилишлар, туб ислохотларни амалга ошириш учун кўприк вази-фасини ўтайди.

Ижтимоий ватанпарварликнинг қадрини баланд тутган О.Шарафиддинов ўзининг «Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси» номли мақоласида

Кўрқоқликни урчитадиган, юракка даҳшат уруғини сепадиган «кўринмас мухаррирлар» ҳақида тиниқ ва тирик фикр айтади. Шўро даври адабиётида, танқидчилигида бир қолипдаги фикрлар, қуюшқондаги образлар бемалол ҳаракат қилар эди.

Мустақиллик фикрдаги кишанни олиб ташлади, бемалол изланиш, эркин тафаккур юритиш имконини берди. Шу ўринда профессор таъбири билан айтганда:

- «Инсонга, айниқса, ижодкорга мадад, рағбат «сувдай», «ҳаводай» зарур»¹. Чиндан ҳам, янгиланган адабий таълимнинг асосий моҳияти ҳар қандай асардан фақат сиёсий ғоя қидирмасдан, ҳар бир асар сўз санъатининг ноёб намунаси сифатида баҳоланиши, ўқувчининг адабиётга меҳру муҳаббатини оширишга, унинг муносабатларини ислоҳ қилишга ижтимоий ватанпарварлик омилларини ривожлантиришга хизмат қилишига ҳам эътибор қаратишни кўзда тутиши лозим.

...Ўқитувчилик ажойиб касб. Мен ўқитувчиликни санъаткорликка ўхшатаман. Негаки, яхши ҳофиз ёқимли мақоми билан тингловчиларни ўзига жалб этади. Ҳамма завқ билан тингласа, айтган мақоми ҳам юракларга кучли таъсир этади. Ўқитувчи, хусусан, она тили ва адабиёт ўқитувчиси ажойиб тил билан, нозик, гўзал, пухта нутқ билан дарс берса, синфидаги ҳамма болаларнинг диққатини ўзига жалб этади, бундай дарсдан болалар завқланади, ўқувчининг завқи эса ўқитувчига ҳузур бағишлайди. Болалар ёш ўқитувчининг атрофини ўраб оладилар, у билан суҳбатлашгилари, унинг ажойиб сўзларини эшитгилари келади. Табиий бундай ҳолат ўз-ўзидан вужудга келмайди, албатта. Бунга ўқитувчи ўз дарсига масъулият билан қараш, дарсга пухта тайёрланиш, ўқувчиларни севиш ва уларга нисбатан ҳурмат, педагогик такт билан эришиш мумкин...³

Бугун боғча, мактаб, касб-ҳунар коллежи, олий таълим муассасаларида ва ҳатто, малака ошириш тизимида ҳам ўқитувчи маҳоратини мунтазам такомиллаштириш, маънавият таянчи бўлган адабиёт дарсларини тўғри

¹ Абдуғафур Расулов «Шарафли Шарафиддиновлар». – Т.: Маънавият 2006 й., 40-бет.

³ Долимов С. Маърифат фидойиси. Т.: 2007.

ташқил этиш учун она тили ва адабиёт ўқитувчилари касбий фаолиятини янгича ёндашув асосида йўлга қўйиш талаб этилмоқда. Маълумки, малака ошириш курсларидаги таълим жараёни она тили ва адабиёт ўқитувчилари учун ўз ихтисослиги бўйича мавжуд билим, кўникма ва малакаларини ривожлантирадиган энг масъулиятли даврдир. Зеро, малака оширишсиз ўқитувчи жўнлашади, ўқитувчиси жўн давлату миллат ҳеч қандай чўққини забт этолмайди. Шу боис малака ошириш тизими кўп қиррали ҳодиса саналади. Тизим 3 та ўзаро боғлиқ цикл – мафқуравий-маънавий, психологик-педагогик ва касбий тайёргарликдан ташқил топади⁴.

Шунингдек, малака ошириш тизимида Давлат талаблари белгиловчи аҳамиятга эга. Айнан улар қайта тайёрлаш ва малака оширишни ташкилий-услубий жиҳатдан таъминлайди, сифатини баҳолаш механизмини ишлаб чиқади, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари фаолиятини бошқаради ҳамда соҳага тегишли меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 173 б.
2. Маҳмудов Н. Тил таълими ва педагогик технологиялар. Ўзбек тили доимий XI анжумани. Ўзбек тили таълимида педагогик технологияларнинг ўрни.Т.: 2011. 8-12-б.
3. Расулов А. Шарафли Шарафиддиновлар. – Т.: Маънавият 2006 й., 40-б.
4. Долимов С. Маърифат фидойиси.Т.: 2007.
5. Аминов А.Х. Умумий ўрта таълим педагог ходимларни малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари: Пед. фан. ном. ... дис. – Самарқанд: ВХТХҚТМОИ, 2004. – 156 б.

⁴ Аминов А.Х. Умумий ўрта таълим педагог ходимларни малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари: Пед. фан. ном. ... дис. – Самарқанд: ВХТХҚТМОИ, 2004. – 156 б.